

## ҲАВОДА ҚОТУВЧИ ҚУРИЛИШ ОҲАГИНИНГ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИШЛАТИЛИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8049547>

**Аслонов Бахтиёр Бобоқулович**

*Бухоро мұхандислик-технология институты “Бино ва иниоотлар қурилиши”  
кафедраси доценти, Ўзбекистон Республикаси*

### **Аннотасия**

*Уишибу мақолада ҳавода қотувчи қурилиши оҳаги ва унинг қурилиши соҳаларида ишилатилиши баён етилган.*

### **Калит сўзлар**

оҳак, оҳактош, шахта печь, айланма печь, кальций карбонат, кальций оксид, сўндириши, кукун-оҳак, оҳак ҳамири, сўндирилмаган оҳак, гидратланган оҳак, карбонатли оҳак.

Ҳавода қотувчи оҳак ишлаб чиқаришда таркибида асосан  $\text{CaCO}_3$  бўлган ҳамма табиий моддалардан фойдаланиш мумкин. Оҳакни назарий таркиби 56%  $\text{CaO}$  ва 44%  $\text{CO}_2$ дан иборат. Кўпинча зич оҳактош ва бўр ишлатилади. Оҳактошлар қўпчилик худудларда учраганлиги учун боғловчи моддалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Оҳак ишлаб чиқариш технолик жараёнини қўйидаги асосий қайта ишловлардан хом ашё қазиш ва уни тайёрлаш, майдалаш ёки сўндиришдан иборат.

Ҳавода қотувчи оҳак карбонатли тоғ жинсларини  $900\text{-}1200^{\circ}\text{C}$  да қуйдириш йўли билан  $\text{CO}_2$ ни мумкин қадар тўлиқ ажралиб чиқиши  $\text{CaCO}_3 \rightarrow \text{CaO} + \text{CO}_2$  реакцияси асосида ва кейинчалик бўлакли оҳакни қайта ишлаш билан ҳосил қилинади. Оҳактошни шахта печларида (бўлаклар ўлчами 8-20 см) ва айланма печларда (5-40 см) шунингдек «қайнама» катламли қурилмаларда қуйдириллади [1].

$\text{CaCO}_3$ нинг термик парчаланиш  $900^{\circ}\text{C}$  да бошланади, хом ашё ҳоссалари ҳамда печ конструксиясига боғлиқ ҳолда завод корхоналарида қуйдириш харорати  $1100\text{-}1200^{\circ}\text{C}$  га teng. Қуйдириш натижасида ҳосил бўлган оҳак (қайнама) ҳажми назарий жиҳатдан олинган оҳактош 2 маротаба кам. Ҳақиқатдан ҳам у ҳаммаси бўлиб 10-12% га камаяди, бу ҳосил бўлган қайнама ўта ғоваклигини кўрсатади.


Куйдирилаётган модданинг куйдириш ҳарорати ва бўлиниш вақти оҳакнинг ғоваклилигига, ҳажм бирлигидаги оғирлигига, катта таъсир қиласи. Ҳарорат ошиши билан куйдириш тезлиги ва шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлиги ортади. Кўпинча оҳактош шахта печларида куйдирилади, чунки улардан фойдаланиш осон, ёқилги кам сарфланади. Ишлаб чиқаришнинг муайянлиги, унумдорлигининг юқорилиги билан фазилатланади. Ҳар қандай: каттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги ёнилғида ишлаши мумкин [2].

Шахта печига юқоридан оҳактош қават-қават қилиб ва қисқа алангали қаттиқ ёқилғи солинади. Печ бўй бараварига шартли уч зонага бўлинади: иситиш, куйдириш, совутиш. Печнинг пастки қисмида совутиш зонасига куйдирилган оҳак тўкилади.

Пастдан берилган ҳаво оҳак бўлакларининг иссиғи ҳисобига қизийди ва тепага қўтарилиб куйдириш зонасига учрайди. Ушбу зонанинг ҳарорати  $1200^{\circ}\text{C}$  га боради. Бу ерда ёнилғи ёниши натижасида кальций карбонат парчаланиб  $\text{CaO}$  ва  $\text{CO}_2$  ҳосил бўлади [3].

Иссиқ газлар вентилатор орқали юқорига сурилиб модда ва ёнилгининг юқори қаватлари иситилиади. Иситиш зонасида оҳактош қуритилади ва таркибидаги органик аралашмалар куяди. Тайёр бўлган маҳсулотлар сақланадиган омборга жўнатилади.

Айланма печларда ўта юқори навли куйдирилган оҳак олинади, бунда майдада бўлакчалар ҳамда оқимга қарши принсипидан фойдаланилади, лекин ёнилғи кўп сарф бўлади. Шахтали ва айланма печлардан ташқари оҳакни «қайнама» қаватдан куйдириш учун унумдорлиги юқори бўлган асбоблар ишлатилади [5].




**1-расм. Оҳак куйдириш айланма печи**

1-Хомашё аралашмаси (шихта); 2-иссиқ газлар; 3-айланма хумдон; 4-иссиқлик алмашинишини яхшилайдиган занжирли осмалар; 5-ҳаракатга келтирувчи қурилма; 6-хумдоннинг сувли совутиш зонаси; 7-аланга; 8-форсунка воситасида ёқилғи юбориш; 9-клинкер; 10-совитгич; 11-таянчлар.

«Қайнама» қаватда иссиқлик режими бўйича куйдириш шахта печларида куйдиришга ўхшайди. Туйилган оҳактош юклайдиган мослама орқали печнинг тепа қисми 5 зонага бўлинган ҳаво ўтказувчи тешиклари бор. Вентилатор билан юқори зона орқали сурилган ҳаво оҳактош қаватини ҳавога тўйинтиради. Тўйинган оҳактош тўкувчи қувурлар орқали бир зонадан бошқа, зонага ўтаётган тезлик билан иссиқлик алмашади ва парчаланади. Бўлакли оҳак ишлатилишидан олдин туйилиши ёки сўндирилиши керак. Оҳакни қувурли тегирмонларда ёпиқ циклда майдаланади. Уни актив минерал қўшимчалар билан бирга (домна, ёкилги шлаклари, кул ва х.к.) солиштирма юзаси 3500-5500 см<sup>2</sup>/г гача майдаланади.

Ҳавода қотувчи оҳакнинг сўндириши кальций оксидини сув таъсирида гидратланишидан (яъни сув билан бирикишдан) иборат [6]:



Кўп миқдорда иссиқлик ажralиши натижасида ҳарорат бирдан кўтарилиб сув қайнаб кетади. Агар оҳак сифатли бўлса, унда сўниш бошланиб тез ўтиб кетади. Хлорли тузлар NaCl, CaCl<sub>2</sub> ва бошқалар CaO нинг гидратланиши 1% миқдорида тезлаштиради. Сўниш ҳароратининг кўтарилиши CaO нинг гидратланиш жараёни тезлаштирилади, сўниш тезлиги кальций оксида кристалларининг катталигига боғлик. Ҳажми 2 баробардан кўпроқ кескин ортиши билан ҳам сўниш реакцияси бориши мумкин. Ҳосил қилинган оҳак кукун-оҳак ва оҳак ҳамирига бўлинади. Кукун оҳак катта солиштирма юзага эга бўлган ниҳоятда майдада қукун. У сувга ўта мойил бирикма. Оҳак ҳамири асосан Ca(OH)<sub>2</sub>, қаймоқсимон массадан иборат. Кукун - оҳак тайёрлашда сув оҳакка нисбатан 2-3 маротаба кўп қўшилади, чунки бунда сув тез буғланиб кетади. Сувнинг миқдори жуда кўп бўлганда оҳак ҳамири олинади [7].

Кукун-оҳак Ca(OH)<sub>2</sub>, CaO нинг гидратланиш жараёни CaO ни эритиш ҳамда унинг нисбатан тўйинган эритмаси ҳосил қилишдан иборат ва қуйидаги технологик чизма бўйича ўтади. CaO нинг гидратланиши қайтар реакция бўлиб, унинг йўналиши ҳароратига, шунингдек, сув буғининг босимига боғлик. Сув этишмаслиги натижасида сўндирилган оҳакнинг куйиши, яни куйдирилган заррачалар юзасида қалин Ca(OH)<sub>2</sub> парда ҳосил бўлади. Бу шундай тушунтирилади: сув қўшилгандан кейин дастлабки вактда оҳакни гидратлаш қайнови жуда тез боради, сув кераклидан кўп бўлса гидратнинг ҳамир ҳолидаги қават ҳосил бўлади. Кейинчалик гидрат қаватдаги сувни ўзлаштириш натижасида қуриб қолади, зичлашади, ички қаватларидағи сўнмаган оҳак учун керакли сувни ўтказмайди.

Оҳақдаги ортиқча бегона нарсалар маҳсулотнинг сўнишини кечикишига, секинлашишига, шунингдек натижада ҳажм кенгайиши, ички зўри қишлоғи, дарзлар ҳосил бўлиши бузилишларига сабаб бўлади. Кукун-оҳақдаги намликнинг миқдори 5% ошмаслиги керак [8].

Саноатда оҳақ узлукли ва узлуксиз мосламада сўндириллади: узлукли барабанли сўндиригич – сўндириш буғ билан 0,3-0,65 МПа босим остида бажариллади. 3-5 см катталиқдаги оҳақ бўлаклари юкловчи туйнук орқали тепадан барабангча юкланди, буғ бэриллади ва барабан 15-20 мин. давомида айланниши натижасида оҳақ сўндириллади. Умумий цикл 30-40 минутга боради.

Узлуксиз сўндириш - парракли етти барабанли гидраторларда олиб бориллади. Оҳақ олдиндан 3-6 мм гача катталиқда майдаланиб етти барабанли гидраторга сув билан узатиллади. Ҳар қайси барабандада парракли вал бўлиб, массани сиқиб чиқаради. Орада қориштириб сўндириш - 10 кун ичида ушлаб туриллади. ЮЗ типидаги сўндиригич ичида оҳақ бўлакларини ва сўнмаган доналарини яхши майдалаш учун чопқичлар ўрнатилган, электродвигателлар ёрдамида ҳаракатга келтиради ва пружина ёрдамида сўндиригич остига тўкиллади. Мўл миқдорида сув қўшиш билан сўндириллади. Оҳақ ҳамири элак орқали тиндиригичга қўйиллади. Оҳақ ҳамири қўшимча сақлаб турмасдан ҳам ишлатиш мумкин [9].

Иссиқ сув ишлатилганда сўниш тезлиги ортади. Узлуксиз ишловчи оҳақ сўндиригичнинг термолюминесценцияси ана шунга асосланган. Оҳақ сўндирилишида чиқсан иссиқлик ҳисобига сув исийди. Сўндириш барабани икки цилиндрдан иборат бўлиб, бири иккинчисига жойлаштирилган. Орасидаги бўшлиқ иссиқлик алмаштиргич вазифасини ўтайди. Цилиндрнинг 1 камераси сўниш рўй беради, иккинчи камерада пўлат шарлар ёрдамида сўндирилмаган заррачалар майдаланади [10].



**1-расм. Гидратли оҳак кукунини ишлаб чиқариш технологик чизмаси**

Оҳак ҳамирини қўйидаги технологик чизма бўйича олинади. ишлаб чиқариш узлукли ва узлуксиз оҳак сўндирувчи асбобларда ўтказилади. Энг кенг тарқалган термолеканик оҳак сўндириш асбоби қўйидагилардан иборат электр ишга туширувчи 8, айланма барабан 2, барабан бир томондан бункер 1, бошқа томонидан оҳак сутини тушириш учун лоток 7, рама 9. Барабан иккита бир-бирига орасига 2 ммли масофада жойлашган силиндрдан иборат. Оҳакни сўндирганда ички силиндрда сув 45-50°C иситиласди, ва у икки қисмга диафрагма билан бўлинган сўндириш камера 4 ва майдалаш камераси 5. Бу камерадан оҳак сути патрубка 6 ва 7 лоток орқали тиндиригичга жўнатилади. Оҳакни тўлик сўниш учун бир қисми оҳакка 2-3 қисми сув тавсия этилади. Оҳак 16-24 соат тиндирилганда қаймоқсимон 75% сувли массага айланади. Яхши тиндирилган оҳак ҳамири таркибида 50% сув ва ҳажмий оғирлиги 1400 кг/м<sup>3</sup> оралиқда бўлади [11].

Майдаланган, сўндирилмаган оҳакни бўлакли оҳакни олдиндан сўндириласдан жудаям майдалаш йўли билан олинади. Майдаланган сўндирилмаган оҳак асосидаги қоришмага сувга талаби кам бўлгани учун

мустаҳкамлиги юқори бўлиб солиштирма юзаси камлиги билан тушунтирилади. Сув оҳак нисбати тӯғри танланганда (0,9-1,5) кальций оксиди гидратланиш натижасида ҳосил бўлган кальций гидрооксиди кристаллари эритмадаги  $\text{Ca(OH)}_2$  ўзаро ўсиб тез мустаҳкам кристалл ўсимта ҳосил қиласи. Қоришманинг ёки бетоннинг ўз-ўзидан исиши ўзича қоришманинг қотиши ва мустаҳкамлиги ўсишга олиб келади. Бу эса қишиги ишларда (ғишт тэришда, сувоқ ишида ва хоказо) ўта муҳимдир. Буни шундай тушинтирадики, майдалангандан сўндирилган оҳак тезда сув билан бирикиб иссиқлик ажратади ва шу иссиқликни вактида тарқатилмаса ҳосил бўлган юқори ҳарорат буюмларни бузиб юбориши мумкин. Майдалангандан сўндирилмаган гидратланган оҳакка ўта тўйилган минерал қўшимчалар қўшиш рухсат этилади [12].

Домна ёқилғи шлаклари, куллар, оҳактош. Майдалангандан сўндирилмаган оҳакни қотишида яхши натижаларга эришиш учун қўйидаги шартлар қўлланилиши керак:

1. Ўта туйилган оҳак қўлланилиши.
2. Сув оҳак нисбати аниқ бўлиши.
3. Сув буғланишини олиб келувчи омилларни олдини олиш.
4. Оҳак гидратланиш жараёнида қоришмани аралаштираслиги [13].

Сўндирилмаган оҳакни сатҳ юзаси  $3500-5000 \text{ см}^2/\text{г}$ , ёки №02 элақда қолдиги 0 га тенг бўлиши, №008 элақда эса 4-6% дан ошмаслиги керак. Сўндирилмаган оҳакни гидрати қотиши қоришмада сув миқдори 100-150% оралиқда оҳак массасидан бўлганда нормал ўтади. Гидратланиш биринчи соатида 1 кг  $\text{CaO}$  гидратланишида 1160 кДЖ иссиқлик ажралади. Натижада буюмлар қаттиқ қизиб кетади ва ички кучланиш билан деформацияга дуч келади. Бу ҳодисани олдини олиш учун сув миқдори кўпайтирилади, ҳар хил моддалар билан (кўшимчалар қўшиб) гидратланиш тезлигини секинлаштирилади.

Сўндирилмаган оҳак ва карбонатли оҳак одатда майдалангандан сўнг ўша заҳоти ишлатилади, чунки ҳаводаги намни ютиб олиши натижасида ўзининг боғловчилик хусусиятини йўқотади. Майдалангандан сўндирилмаган оҳакни қўйидаги технологик чизма бўйича олинади.

Актив минерал қўшимчалар қоришмаларни сувга чидамлилигини кальций, гидросиликатлар, гидроалюминатлар, гидроферритлар ҳосил бўлиши хисобига оширади [14].

Оҳакни оғирлиги одатда 800-1200 кг/ $\text{м}^3$  оралиқда тебранади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Aslonov B.B. Environmental Prooblems and possible solutions. European journal of Technical and Natural Sciences, №2 2020, Vienna 2020.
2. Аслонов Б.Б. Прочность и дефектность наполненных полимерных материалов. UNIVERSUM: технические науки, Выпуск: 4(85), апрель, 2021, Часть 4, С. 54-57.
3. Аслонов Б.Б. Исследование взаимодействия тоннельных конструкции с грунтовых массивом при воздействии динамических нагрузок. UNIVERSUM: технические науки, Выпуск: 4(97), апрель, 2022, С. 25-30.
4. Aslonov B.B. Mathematical bases of the finite element method for solving axicymmetric problems. World wide journal of multidisciplinary research and devlopment, 2022 y. 92-95 bet.
5. Tursunova N.N. First and measures organization. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology (IJIERT). Volume 7 – Issue 4, April 2020. P. 243-245.
6. Турсунова Н.Н. Загрязнение воздушного пространства – угроза экологической безопасности в Узбекистане. “Техника и технология пищевых производств” Материалы XII Международной научно-технической конференции (Могилёв, 19–20 апреля 2018 года) Том 2, с. 425-426.
7. Tursunova N.N. Research of the process of storage of soyben based on system thinking. International Journal of Advanced Science and Technology. Volume 29, №7 2020. P.11764- 11770 ([http://sersc.org/\\_journals/\\_index.php/IJAST/\\_article/\\_view/27848](http://sersc.org/_journals/_index.php/IJAST/_article/_view/27848)).
8. Tursunova N.N. Study of physical and chemical parameters of soybean grain during storage. IOP Conf. Series: Earth and Environmental Sciens 848 (2021) 012184 doi:10.1088/1755-1315/848/1/012184.
9. Tursunova N.N. The essence of emergency preparedness, ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137. Vol. 12, Issue 11, November 2022. P. 103-108.
10. Tursunova N.N. The essence of spiritual and spiritual preparation in emergency situations. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, ISSN: 2249-7137 Vol. 12, Issue 11, November 2022, SJIF 2022 = 8.252.
11. Турсунова Н.Н. Биотехнологический потенциал и пищевая безопасность семян масличных сортов подсолнечника в Узбекистане. Universum: технические науки: научный журнал. – № 7(100). Часть 2. М., Изд. «МЦНО», 2022. С. 65-68.

12. Турсунова Н.Н. Чрезвычайные ситуации экологического характера и их последствия. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-сон, 20.11.2022 у. С. 297-302.
13. Турсунова Н.Н. Катастрофические просадки, возникшие в результате выработки недр при добыче полезных ископаемых и иной деятельности человека/ O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 13-сон, 20.11.2022 у. С. 321-324.
14. Турсунова Н.Н. Проблемы возникновения транспортных катастроф и аварий. Международный научный журнал «Научный импульс», № 4 (100), часть 2, Ноябрь, 2022. С. 1003-1007.